

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ФРАНЦУЗ ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

Хикматова Мадина

**ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР
ТАРЖИМАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар:
Ф.ф.н. доц. Нишонов П.П.

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
I БОБ. ТАРЖИМАШУНОСЛИК ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТЛАР	6
1.1. “Таржима” тушунчасининг моҳияти.....	6
1.2. Термин тушунчаси ва терминологик бирликларнинг тури юзасидан.....	12
1.3. Француз тили юридик терминологиясининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари.....	16
II БОБ. ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИНИНГ ЛИСОНИЙ-УСЛУБИЙ ДАЛИЛЛАР АСОСИДАГИ ТАҲЛИЛИ.....	19
2.1. Юридик терминлар таржимасида эквивалентлик.....	21
2.2. Француз тилидаги бир компонентли ва кўп компонентли терминларни ўзбек тилига таржима қилиш хусусиятлари.....	25
2.3. Юридик терминлар таржимасида “таржимоннинг сохта дўстлари” муаммоси.....	30
ХУЛОСА.....	33
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	36

КИРИШ

Таржима назарияси кейинги пайтларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормокда. Олимлар таржимашунослик олдида турган долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш, шу асосда таржима амалиёти равнақи учун зарур илмий умумлашмалар яратиш ишига чинакамига киришиб кетдилар. Мазкур саъй-ҳаракатлар асосан таржиманинг тадқиқотчилар томонидан нутқ фаолиятининг алоҳида кўриниши сифатида тан олинаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, эндиликда таржима масалалари кўпроқ тилшунослар эътиборини ўзига тортиб келмокда. Ҳамда юридик терминология жамият ҳаётининг турли соҳалари билан изчил алоқада бўлганлиги боис, унинг шаклланиши ва тараққиётини ўрганиш ва уларни таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишнинг роли бениҳоя каттадир. Шундай экан, бу бизнинг **тадқиқотимиз долзарблигини** аниқлаб берди.

Таржима амалиётини тадқиқ қилишнинг юқори натижали усули сифатида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзининг самарадорлигини исбот қилаётган лингвистик таҳлил икки тил нутқий воситалари таржимасининг ўзига хос хусусиятларини доимо қиёслаб бориш билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, сўнгги йилларда турли-туман мактаб ва йуналишлар вакиллари эътиборини ўзига кўпроқ тортиб келаётган жиҳат - тилларни қиёсий ўрганиш йўли билан тадқиқ қилинаётган тиллар ҳодисаларининг моҳиятини очиб бериш орқали қиёсланаётган тиллардаги муайян семантик-стилистик хусусиятларнинг ўзига хос томонларини ойдинлаштиришдан иборатдир. Шу билан бирга турли тизимдаги тилларга оид терминологияларни қиёсий таҳлил қилиш системали ва изчил характерга эга бўлмоғи керак. Бундай характердаги таҳлил икки тил терминологиясининг лексик, семантик, грамматик сатҳлардаги ўзаро муносабатларини аниқлаш имкониятини яратади. Курс ишимизнинг асосий **мақсади** – француз тилидаги юридик

терминларни ўзбек тилига таржима қилиш хусусиятларини мукамал ўрганиб чиқишдир. Бу мақсад бизга қуйидаги **вазифаларни** белгилаб берди:

- таржима, унинг мақсад ва вазифалари, ҳамда методларини аниқлаш;
- терминларни назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш;
- юридик терминларнинг хусусиятларини ажратиб кўрсатиш;
- юридик терминларни таржима қилишдаги муаммоларни ечимини топиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминлар тадқиқот объектини ташкил этади. Тадқиқотнинг предмети эса француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминларни таржима қилиш хусусиятларини қиёсий ўрганишни ўз ичига олади.

Ушбу курс ишини ёзишда тилшуносликдаги лингвистик, қиёсий ва контекстуал таҳлил **методларидан** фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги француз тилидаги юридик терминларни ўзбек тилига таржима қилишдаги бир қатор муаммоларнинг амалий ечимлари топилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унинг материалларидан «Лексикология», «Таржима назарияси» каби фанларни, «Ёзма таржима», «Оғзаки таржима» курсларини ўқитиш жараёнида, ҳамда курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот манбаини: таржима назариясига бағишланган Л. Бархударов, В. Комиссаров, Ғ. Саломов, Қ. Мусаев ва шу тариқа бошқа тилшунос олимларнинг изланишлари; француз, ўзбек тилларидаги терминология ва юридик терминлар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борган бир қатор Р. Дониёров, П. Нишонов каби олимлар илмий ишлари; ҳамда ишимизнинг амалий қисмидаги таҳлил учун танланган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг француз тилидаги ва ўзбек тилларидаги матни ва ниҳоят О.В. Сучкова ва А.Г. Белыхларнинг “французско русский словарь юридических терминов” луғати ташкил этади.

Ишимизнинг тузилиши. Курс ишимиз кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Кириш қисмида биз ишимизнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, методлари, манбаи ҳамда изланишимиз амалий аҳамиятини белгилаб олдик. Биринчи бобни биз таржима ва терминология хусусидаги асосий назарий билимларни ёритишга бағишладик. Шу бобнинг ўзида айнан юридик терминларнинг мавжуд хусусиятларини ўрганиб чиқдик. Иккинчи бобда эса юридик терминларни таржима қилишда эквивалентлик, кўп компонентли юридик терминларни таржима қилиш кетма кетлиги ва юридик терминларни “таржимоннинг сохта дўстлари” сифатида келиши каби хусусиятларини ўрганиб чиқдик. Хулосада изланиш орқали ўзимиз учун қандай хулоса ва фикрларга келганимизни баён этдик. Ишимизнинг якунида фойдаланилган адабиётлар, луғатлар ва интернет манбалари номлари рўйхатини келтирдик.

I БОБ. ТАРЖИМАШУНОСЛИК ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

1.1. “Таржима” тушунчасининг моҳияти

Таржима амалиётини том маънода тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарурлиги туғрисидаги фикр, аниқроғи, таржимашуносликни тилшуносликнинг ажралмас бўлаги сифатида тан олиш тахминан ўтган асрнинг 70-йиллари охиригача А. В. Федоров ва унинг издошлари томонидан илгари сурилиб, кўпроқ грамматик ҳолатлар муносабатидан келиб чиқиб таржималар сифати туғрисида хулосалар чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, ўша йилларда кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортган таржимашуносликнинг тилшунослик йуналиши аҳамиятини асло камситмайди. Бу йуналиш, аксинча, ҳозирги пайтда «таржима лингвистикаси»¹ деб номланаётган таржиманинг тилшунослик тадқиқининг вужудга келиши учун катта туртки бўлди ва унинг ривожланишига замин яратди.

Таржиманинг аслиятга шаклан ва мазмунан монанд тарзда яратилишининг бирдан-бир шарти таржимоннинг ўз тилида аслиймонанд лисоний воситалар танлаб истеъфода этишдадир. Бу маъсулият унинг зиммасига аввало аслият маъно ва вазифасини беками-кўст идрок этиш, сўнгра хотирасида шаклланган фикрни ўз тили маданияти ва меъёри асосида тўла-тўқис ифода этиш вазифасини юклайди.

Кейинги пайтларда юзага келаётган лингвистик тадқиқотларда таржима муаммоларига катта эътибор берилмоқда. Лингвистик таржимашунослик бўйича яратилаётган кўпчилик тадқиқотларда таржима назарияси ва амалиётининг жузъий масалалари билан бир қаторда мазкур соҳанинг моҳиятини акс эттирадиган умумназарий муаммолар устида ҳам кенг кўламда бош қотирилмоқда. Бу ҳол лингвистик таржимашуносликнинг тадқиқотчилар эътиборини борган сари кўпроқ ўзига тортаётганлигидан далолат беради.

¹ Комиссаров В. Н. Лингвистика перевода. М.: ИМО.1980.

Таржимага лингвистик таржимашунослик нуктаи назаридан ёндашиб, куйидагича таъриф бериш мумкин. Инсоният фаолиятининг мураккаб шакли бўлмиш таржима - бир тилда яратилган нутқий ифодани (матнни), унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат ижодий жараёндир. Демак, аслият мансуб бўлган, тил воситалари ёрдамида яратилган нутқий ифода (матн) таржима тили қонуниятлари асосида вужудга келган шундай ифода билан алмаштирилади. Шу йул билан аслият ва таржима тиллари матнларининг мазмуний-услубий адекватлиги юзага келтирилади. Мазкур таъриф тиллараро амалга ошириладиган жараёнга алоқадор бўлиб, инсоният фаолиятининг кўпроқ қисми мазкур амалиёт билан боғлиқдир. Шу туфайли «таржима» деганда аксарият кишилар кўз олдига, биринчи навбатда, бир тилдаги матнни иккинчи тилга ўгириш фаолияти намоён булади.

Таржима инсоният фаолиятининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, у туфайли биз инсоният тараккиёти тарихини барча тафсилотлари билан очиқ-ойдин тасаввур этамиз.

Таржима халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик манфаатларига, улар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилувчи қудратли қуролдир.¹

Таржима турли халқлар адабиётларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири жараёнини тезлаштиради.

Таржимавий асарлар туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўладилар, уларнинг эстетик туйғулари ошади, дидлари ўсади, уларда гўзал нарсалар ҳақида тушунчалар ҳосил бўлади.

Таржима тилларнинг камолоти учун зарурий восита сифатида, уларнинг ривожланиш суръатини жадаллаштиради, луғат бойлигини оширади ва такомиллаштиради.

Таржима инсон маънавий ҳаётини бойитади, она тилининг имкониятларини руёбга чиқаради, уни сержило килади. Таржима туфайли

¹ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари: Дарслик.Т.:Фан. 2005. – Б.9

китобхон тафаккури чархланиб, янги ғоялар, тушунчалар билан бойиди. Таржима жамиятда янгича муносабатлар, қарашлар қарор топишига хизмат қилади. Таржима туфайли миллий адабиётлар ўртасидаги алоқаларнинг махсули сифатида янги ғоявий йўналишлар, янгича сюжет, жанр шаклланади.

Таржима Ватан адабиётига янги образлар, бадиий-тасвирий воситалар ҳада этади. Бир сўз билан айтганда, таржима - аслиятни қайта яратиш, қайта талқин этиш санъатидир. Аммо шуни ҳам назарда тутиш лозимки, мазкур жараён натижаси, ҳам «таржима» истилоҳи ёрдамида ифода этилади. Бунда аслиятнинг ўгирмаси бўлмиш иккиламчи матн назарда тutilади. Лисоний таржима хилма-хил турларга бўлинадики, бадиий адабиёт таржимаси улар орасида алоҳида ўрин тутди. Ўгирилаётган матннинг хусусияти ва қайси соҳа доирасида экани таржиманинг ўзига хос ўрнини белгилайди. Бадиий адабиёт намуналарида бадиий-эстетик ва поэтик жихатлар, касб ҳунарларга оид матнларда эса терминлар ҳукмронлик қилади.

Таржиманинг мақсади - хорижий тил лисоний воситалари ёрдамида яратилган матнни она тили материали асосида қайта яратишдан иборатдир. Бунинг учун таржимон, биринчи навбатда, асл нусхани тўла-тўқис идрок этиши, сўнгра уни ўз тилида беками-қўст қайта ифодалаши даркор. Матн маъносини тўлалигича идрок этиш учун таржимон кенг мушоҳада қувватига эга бўлиши ва матн таркибидаги лисоний воситаларнинг мазмуний ва услубий-эстетик жихатларини тўғри англаши, шу билан бирга муаллиф назарда тутган бош ғояни, унинг ният ва мақсадларини очиб бериши зарур.

Таржиманинг вазифаси - аслият ва таржима тиллари лексик, грамматик ва стилистик ҳодисалари ўртасидаги уйғун ҳамда тафовутли жихатларни пухта ўзлаштириб олган ҳолда, аслиятнинг шакл ва мазмун бирлигини она тили воситалари ёрдамида қайта яратишдан иборатдир.¹ Бу тамойилга риоя қилмаслик таржимада аниқликнинг, тўла-тўқисликнинг, демакки, ифода меъёрининг бузилишига, ҳарфхўрликнинг содир бўлишига олиб келади. Асл

¹ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари: Дарслик.Т.:Фан. 2005. – Б.10

нусхада муаллифидан воқеликни тўғри акс эттиришни талаб этилса, таржимондан асл нусхани беками-қўст талқин этиш талаб қилинади.

Таржимада асл нусҳанинг шакл ва мазмун бирлигини яхлитлигини бежирим ифода этиш учун таржима тилида муқобил ифода воситалари қидириб топиш зарурати туғилади. Бу жараён асл нусха мазмунини ўзга тилда ифода этишнинг қатор имкониятлари орасидан энг мақбулини танлаб олишни тақозо этади.

Асл нусха ва таржима тиллари лисоний имкониятлари одатда ўзаро уйғунлик ҳолатида бўлмаслиги, яъни икки тил сўз ва ибораларининг мазмуни билан эстетик қиймати қатор матний ҳолатларда бир-бирининг ўрнини қоплай олмаслиги талай таржимавий қийинчиликларни юзага келтиради. Бундай ҳолларда ифоданинг бадиий-эстетик қийматини қайта яратиш таржиманинг аслият матнига моддий жиҳатдан эмас, балки вазифавий монанд келишини тақозо этади.

Таржимавий муаммоларни ҳал қилиш таржимондан пухта филологик билим ва тегишли назарий тайёргарликни талаб қилади. Таржимон назарий билимни таржима амалиёти тахлили асосида эҳтиёж туфайли вужудга келиб, кенг қўламда фаолият кўрсатаётган таржима назариясидан олади.

Таржима назариясининг вазифаси - асл нусха билан таржима ўртасидаги нисбат қонуниятларини кузатишдан, хусусий таржимавий ҳодисалардан ҳосил бўлган хулосаларни илмий далиллар асосида умумлаштиришдан, шу йул билан таржима амалиётига таъсир ўтказиб, унинг сифатини яхшилашга кумаклашишдан иборатдир.

Таржима амалиёти мақбул ифода воситаларини қидириб топиш йўли билан муайян таржима муаммоларини ҳал қилишда зарур андоза, қоида, далил ва исботларни таржима назариясидан олади. Шундай қилиб, икки тил лисоний-услубий ҳодисаларини қиёслаш орқали асл нусҳанинг шакл ва мазмун бирлигини таржимада муқобил лисоний воситалар ёрдамида қайта яратиш йул ва имкониятларини қидириб топиш ва шу асосда таржима амалиётининг сифат ўзгаришига олиб келадиган назарий умумлашмалар

яратиш таржима назариясининг предметини белгилайди. Мамлакатимизда таржима назарияси мустиқил филологик соҳа сифатида асосан XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан шакллана бошлаган бўлса-да, таржима амалиёти бир неча минг йиллик тарихга эга. Бундан таржимачилик минг йиллар мобайнида назариясиз ривожланиб келган экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.¹ Араб, форс, ҳинд, озарбайжон, турк ва рус тилларидан жуда кўп илмий, тарихий, сиёсий, диний, фалсафий, бадиий китобларни ўз тилларига ўгириб келган таржимонларимиз гарчи ёзилмаган, тартибга келтирилмаган, умумлаштирилмаган бўлсада, кўп асрлар мобайнида қабул қилинган, риоя этилган маълум таржимачилик ақидаларига, қоидаларига асосланиб иш кўрганлар.

Таржима назариясининг аҳамияти шундан иборатки, у айрим таржимонларнинг субъектив майлига, матн таржимасига «интуиция» йўли билан ёндашиб, ўзбошимчаларча иш кўришларига тўсиқ қўяди. Чунки «Таржима - бу илҳом, юсак истеъдод ва интуиция билан чуқур филологик билим, тинимсиз луғавий меҳнат ҳамда ўринли илмий шархнинг қоришмасидан иборат на зарий-ижодий жараёндир»². Зеро, ҳар қандай амалий фаолият сингари таржимачилик ҳам қонуниятлар жорий қилинишига ва назарий умумлашмалар яратилишига эҳтиёж сезади. Бундай қонуният ва умумлашмалар, ўз навбатида, кенгроқ миқёсдаги хулосаларга олиб келгани ҳолда, уларни қатор таржимавий ходисаларга тадбиқ этишга даъват этади.

Таржима одатда тарихий-маданий, адабиётшунослик, лисоний-услубий, руҳшунослик йуналишларида тадқиқ этилади. Аммо бу йуналишларнинг барчаси ё бевосита, ё билвосита мазкур соҳаларнинг бири - лисоний-услубий йўналишида ўз аксини топади, чунки таржима ҳамма вақт тил материаллари билан иш кўришни тақозо этадиган жараёндир. Бинобарин, таржима назариясида икки тил лингвистик-стилистик воситалари билан боғлиқ лисоний тадқиқ йўналиши алоҳида ўрин тутаяди. Демак, таржима амалиётини

¹ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари: Дарслик.Т.:Фан. 2005. – Б.11

² Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. - Б. 149

хатто адабиётшунослик йўналишида ўрганиш ҳам, аксарият ҳолларда, тил ҳодисаларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, таржимавий умумлашмалар яратиш учун турли жуфт тиллар лисоний-услубий воситаларини қиёсий ўрганиш ҳамда бадиий матннинг эстетик ўзига хослигини ташкил этувчи унсурлар таркибида мужассамлашган семантик-услубий ва прагматик (шароитдан келиб чиқилдиган) хусусиятларни муайян қилиш услубий асосга таянишни тақозо этади. Зеро, шу нарса аёнки, тилнинг ҳар бир воситаси, айниқса бадиий асар тили воситалари бевосита ёки билвосита услубий вазифалар ифодаси учун хизмат қилади: ҳар бир тил ҳодисаси, баён этилган фикрнинг кўлаמידан қатъий назар, маълум даражада услубий бўёқ касб этиши мумкин. Тил воситаларининг бундай хусусияти таржима назариясининг лингвотаржимавий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилдиган қиёсий услубият билан яқинлаштиради.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида барча мамлакатлардаги сингари бизнинг юртимизда ҳам таржимачилик фаолияти изчил ривожланиб келмоқда. Унга ҳамоҳанг тарзда таржималарнинг сифати ҳам аста-секин яхшиланмоқда. Бунга сезиларли туртки бераётган омиллардан бири - таржима назариясининг сўнгги пайтларда жиддий равишда олдинга силжиб бораётганлигидадир.

Таржима назарияси ўз тадқиқотларини бошқа қатор анъанавий филологик, айниқса лингвистик тадқиқот методларидан ўрни билан фойдалангани ҳолда, кўпроқ қиёсий-солиштирма метод билан чамбарчас боғлиқликда қўлланиладиган семантик-услубий метод асосида олиб боради. Шу билан бирга аслият ва таржима тиллари лисоний воситаларини батафсил таҳлил қилиш зарурати лингвистик тадқиқотнинг бошқа айрим махсус методларидан ҳам, жумладан, компонентлар таҳлили методидан фойдаланишни тақозо этади. Бундай пайтда қиёсланаётган икки тил бирликларининг турли контекстларда қўшимча маъно ва маъно белгилари касб этиш ҳолатлари таҳлил этилади. Бир-бирларини тўлдиришга хизмат

қиладиган мазкур методлар амалга оширилган таржималарни ҳар жихатдан пухта ва холис баҳолаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, мамлакатимизда таржимачилик ҳозирги кунда ўз тарихига, ривожланиш хусусиятларига, анъаналарига, тадқиқот методларига ҳамда тамойилларига эга бўлган ижодий жараёнга айланиб қолди. Унинг назарий асослари тадқиқотчилар томонидан янада чуқурроқ ўрганилмоқда.

1.2. Термин тушунчаси ва терминологик бирликларнинг тури юзасидан

Терминология соҳасидаги жумбоқларни ечимини топиш долзарблиги бекиёс, зеро илм-фан жадал суръатларда кундалик ҳаётга ҳамоҳанг бўлмоқда. Ҳаётнинг тез ривожланиши замонамиз инсонларини турли соҳалардан хабардор бўлишини талаб этмоқда. Бунинг барчаси терминларни умумадабий сўзлар сиситемасида кундан кунга ўз ўрнини кенгайтириб боришига замин яратмоқда.

Ҳар бир илм-фаннинг ажралмас қисми сифатида терминлар узоқ йиллар давомида мавжуд бўлиб келган бўлса ҳам, уларни ўрганиш борасида махсус систематик тадқиқотлар олиб борилиш бошланганига нисбатан кўп бўлмаган. Терминшуносликнинг илмий фан сифатида пайдо бўлиши, тахминан олдинги асрнинг йигирманчи йилларига тўғри келади. Аввалига олимлар терминшуносликни лексикологиянинг бир қисми сифатида тан олишган. Мазкур фаннинг отаси деб австриялик олим О. Вюстер 1931 йилда ўзининг докторлик диссертациясини техник тилдаги лексик бирликларга бағишлаганидан сўнг тан олинган. У биринчи терминшунослик мактабига асос солган бўлиб, ундан сўнг ишини Х.Фельбер давом эттирган. Х. Фельбер дунёдаги биринчи терминология бўйича халқаро ўқув қўлланманинг "*Terminology Manual*" (UNESCO, Paris, 1984) муаллифидир.

Олимлар 1980 йилларда терминшуносликни мустақил илмий фан сифатида қабул қилишни бошлашган. Ҳозирга келиб, у фан сифатида етарлича тараққий этган бўлиб, ўзининг ишлаб чиқилган тушунчалар

аппаратига эга.¹

Жадал ривожланиб ва ўзгариб бораётган инсонлар кундалик ҳаётида терминлар катта аҳамият тутади. Чунки ҳеч бир билим соҳасини махсус лексик бирликларини тушунмай туриб пухта ўрганиб бўлмайди. Умуман олганда терминология деганда – махсус билим ёки фаолият соҳасининг тушунчаларини белгилаб берувчи сўз ва сўз бирикмалар йиғиндиси тушунилади.

Энди эса термин ва терминологиянинг таърифи юзасидан тилшунос олимларнинг фикрларини кўриб чиқсак.

Розенталь ва Толенковаларнинг “Словарь – справочник лингвистических терминов” сидатерминга қуйидагича таъриф берилган: “Термин лотинча *terminus* – чек, чегара сўзидан келиб чиққан бўлиб, илм-фанда, техникада, санъатда қўлланиладиган бирон тушунчани аниқ англатадиган сўз ёки сўз бирикмасидир; умумадабий сўзлардан фарқли ўлароқ терминларга экспрессивлик ва кўпмаънолилик хос эмас”.²

Термин фандан ташқари қўлланилса ёки уни маълум фан арбоби бўлмаган кимса таний олса – у термин бўлмай қолмайди. Ф.А. Циткинанинг таърифи шу ҳолатни ифода этган: “термин – бу махсус ёки касб ҳунарга оид билим соҳасига тегишли илмий тушунчани репрезентация қилиб берувчи тил белгисидир”.³

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, терминнинг асосий тавсифларига бир маънолилик ва таъсирчанликни санаб ўтиш мумкин.

Д.С. Лотте терминга қуйидагича талабларни қўйган:

- а) системавийлик;
- б) контекстга тобе бўлмаслик (баъзи мустасно ҳолатларни ҳисобга олмаганда);

¹ Суперанская А.В. Общая терминология: Вопросы теории. – М.: Наука, 1989. – 3 с.

² Розенталь Д.Э. и Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М., “Просвещение”, 1976. – 486 с.

³ Циткина Ф.А. Терминология и перевод: К основам сопоставительного терминоведения. – Львов, 1988. – 10с.

в) бир маънолилиқ (у абсолют ва нисбий бўлиши мумкин);

г) аниқлик;

д) қисқа ва лўнда бўлиши. (охирги икки талаб бир терминнинг ўзида мужассам бўла олмайди, одатда термин барпо этилаётганда у ёки буниси рад этилади).¹

“Ҳар бир терминни маълум бир техник маънони англатувчи лекин қўлланиш соҳасини ўзгариши билан ўзининг мазмунини ҳам ўзгартира оладиган сўз”² деб тан олган Р.Ф. Пронина.

Илм фаннинг жадал ривожланиши мавжуд терминлар системаларининг ривожланишига олиб келмоқда. Бу эса ўз ўрнида бир қатор муаммоларни туғдиради:

- ✓ Терминологияни системалаштириш ва стандартлаштириш;
- ✓ Бир тилдан ўзга тилга терминлар таржима қилишни оптимизациялаштириш.

Ҳар бир терминологиянинг бир қисми бир пайтнинг ўзида ҳам умумадабий ҳам термин сифатида қўлланиладиган лексик бирликлардан иборат бўлади. Бу ҳақда олимларнинг қарашлари бўлинган, баъзилари умумадабий сўзларнинг илмий тилга ўзлашганини сабаб деб билсалар, бошқалари бир пайтлар ҳамма сўзлар яратилиш чоғида термин бўлган ва маълум вақт мобайнида ўз мавқеини ўзгартирган деб биладилар. Терминлар детерминологизация ҳодисаси натижасида умумадабий сўз бўлиб қолиши ёхуд умумадабий сўз терминологизация ҳодисаси таъсирида терминга айланиши мумкин. Терминларга хос бу хусусият уларни тилнинг лексик системасидаги энг ҳаракатчан қатлам деб белгилайди. Чунки бир томондан, терминлар қўлланилиши ортган сари улар детерминологизация ҳодисасига учрайди, иккинчи томондан эса техник тараққиёт натижасида янгидан янги терминлар тилга кириб келаверади.

Илм фан, жамият ҳам ўз ўрнида узлуксиз тараққий этаверади, шу

¹ Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминология. М., 1961. 72 с.

² Пронина Р.Ф. Перевод английской научно-технической литературы.- М.: Высшая школа, 1986. 8 с.

каторда ҳукукий алоқалар ҳам такомиллашади, шунинг учун терминларни ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигида катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда термин ва термин бўлмаган сўзларни фарқлаш анча мушкул муаммо туғдирмокда, чунки ханузгачам термин сўзига бир аниқ таъриф берилганича йўқ. Бу ажабланарли эмас, зеро терминлар лексик системанинг ўзига хос катлами бўлиб туриб, бир пайтнинг ўзида ҳам термин ҳам умумадабий сўз бўлиб келиш хусусиятига эга. Бу улар орасида бир аниқ чегара ўтказишга ҳар доим ҳам имконият беравермайди.

Юқоридаги муаммони амалда кўриш учун Ж. Корнюннинг 4.076 та термин ва бирикма терминлар келтирилган “Юридик луғат”и (G. Cornu, *Vocabulaire juridique*)¹ асосий манба бўла олади. Чунки унда терминшунослик соҳасидаги ҳар хил катламдаги сўзлар келтирилган, ва улар орасида айтиб ўтганимиздек термин ва нотермин ўртасидаги чегарани пайқаш қийин. Масалан: *domanialité* — *Давлат мулки*, *hoirie* - *мерос*, мисолдаги терминлар соф юридик терминлар бўлиб, оддий икки тиллик луғатларда (*dr.*) белгиси билан берилади. Улар билан бирга қуйидагича сўзлар Корнюннинг луғатидан жой олган: *abolition* – *рад этилиши*, *йўқ қилиш*, *avocat* - *адвокат*, лекин бу сўзларни икки тилли луғатларда ҳеч қандай белгиларсиз учратамиз ва бир қарашдан уларни умумадабий сўз деб тан оламиз.

Бундан келиб чиққан ҳолда терминологияни кенг маънода тушуниб, унга фақатгина тушунтиришлар ва белгилар билан бериладиган махсус терминларни эмас балки баъзи жиҳатлари билан умумадабий сўзларга ўхшаш сўзлар ҳам тааллуқли бўлиши мумкин деган фикрга келса бўлади. Винокурнинг фикрича: “ҳар бир терминологик соҳада бошқа терминология билан ёхуд умумадабий сўзлар билан бир хил бўлган терминлар мавжуд”.² Масалан: *abordage* – *судларнинг тўқнашуви (юридик термин сифатида)*; *abordage* – *абордаж, кемага чиқиш (денгизчилар термини)*. Яна: *assignation* — *судга чақирув (юридик термин)*; *assignation* — *тўловнома*

¹ Cornu G. *Vocabulaire juridique*. – Paris, 2002.

² Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии//История отечественного терминоведения. -М.: Московский лицей, 1994. 220 с.

(молиявий термин); *entreprise* – корхона (умумадабий сўз); *entreprise* – ишбилармонлик, корхона (юридик термин сифатида).

Терминларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) соф юридик терминлар: *exéquatur* – экзекватура, *codicillaire* – мероснома иловасида келтирилган, *commorientes* — коммориент бир пайтнинг ўзида ҳалок бўлган меросхўрлар)

2) умумадабий сўзлар билан ёки бошқа терминологик соҳадаги терминлар билан шакл жиҳатидан мувофиқ бўлган терминлар, масалан: *abandon* – (юр.) оиласини тарк этмоқ; (спорт) – мусобақадан четлашиш, тарк этиш; (умумадабий) – бўшаб қолиш.

3) Умумадабий сўзлар – *processus* - процесс, *méthode* - услуб.

4) Икки тилли луғатда келтирилган, лекин юридик термин сифатида белги қўйилмаган ва юридик луғатларга киритилган сўзлар : *abusif* – қонунга ҳилоф бўлган, *examen*- текиширув, экспертиза .

Кундалик ҳаётда инсонлар энг кўп юзма-юз келадиган билимлар соҳаси бу юридик терминологиядир. Илмий адабиётларда терминларнинг ўзига хос хусусиятлари ажратилади:

- ✓ махсус қўлланиш доирасига эгалиги;
- ✓ маъносининг аниқлиги;
- ✓ номинатив характерга эгалиги;
- ✓ стилистик ва экспрессив нейтраллиги.

1.3. Француз тили юридик терминологиясининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари

Термин — касб-ҳунарга оид билимлар системасига тааллуқли тушунчанинг лисоний акс этилишидир. Уни тўғри тушуниш учун, термин махсус дефиниция (изоҳ)талаб этади.¹ Юридик терминология эса (юридик терминлар йиғиндиси), ҳар бир тилда специфик (ўзгача)дир. Унда юридик

¹ Суперанская А. В. и др. Общая терминология. Вопросы теории/А. В. Суперанская, Н. В. Подольская, Н. В. Васильева. М.: Наука, 1989. -14 с.

тил асос олган ва унда ҳуқуқнинг предмети соҳасидаги маълумотлар тўпланиб боради. Юридик терминларга қуйидаги хусусиятлар хос:

- 1) Кенг тарқалганлик;
- 2) Системавийлик;
- 3) Ички яхлитлик
- 4) Ўзаро узвийлик;
- 5) Турғунлик.

Юридик терминлар бир мураккаб системани ташкил этиб, ўзаро ўзвий алоқада бўлади. Масалан мослашиш ва субординация алоқалари: француз тилидаги туб термин — *impôt* ва унинг ўзлашган турлари — *taxe, contribution, redevance*. Терминларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир терминдан асосланган ҳолда унга маъно жиҳатидан яқин турғун иборалар пайдо бўлишида акс этади. Масалан: ҳуқуқ – ҳуқуқшунос, ҳуқуқбузарлик; француз тилида — *impôt, imposition, imposer*)¹.

Юридик терминларни таснифлаш уларни соф юридик терминларга ва умумистеъмол тилдаги терминларга бўлинишига асосланади. Бу тасниф уларни ўз навбатида иккига бўлади: соф юридик терминлар ва икки тарафлама терминлар (термины двойной принадлежности) яъни ҳам юридик термин, ҳам умумадабий сўз.²

Маълум бир тилда бир мавзу доирасига мансуб бўлган махсус сўзлар тўпланганида терминология ҳосил бўлади. Европа давлатларининг кўпида шундай терминлар тўпланиши даври “Уйғониш” даврига тўғри келади. У даврда илм- фан тили деб лотин тили тан олинган эди. Шунинг учун кўп терминлар лотин тилидан келиб чиққан. Француз тилидаги юридик терминология XII - XVIII асрларда шаклланган. Шаклланиш даврида француз юридик терминларнинг келиб чиқишида асосий икки манба қайд этилган:

¹ Лыкова Н.Н. Генезис языка права (на материале французских и русских документов X—XV веков). Тюмень, 2005. 10 с.

² Cornu G. Linguistique juridique. P., 1990. 62-68 p.

1) лотин тилидан ўзлашган терминлар: *donation* - ҳадянома лот. *donatio* – совға, ҳадя.

2) француз тилининг умумистеъмол лексикасидан келиб чиққан терминлар: *in* бировга ўтказишга лойиқ бўлган; *interjeter* — апелляцияга бермоқ¹.

Француз тилидаги юридик терминлар орасидан жой олган кўпмаъноли сўзлар уларни тушунишда ва таржима қилишда баъзи муаммоларни юзага келтиради. Кўпмаъноли сўзлар ўзининг семантик структурасига кўра ҳам умумадабий сўз, ҳам термин бўлиб кела олади. Масалан: *chapitre* – умумадабий сўз сифатидаги таржимаси *боб*, юридик термин сифатида эса *модда*. Бундай сўзлар юридик терминологиянинг катта қисмини ташкил этади десак, хатога йўл қўймаган бўламиз.

Фақат юриспруденцияда қўлланиладиган соф юридик терминлар сони унчалик кўп эмас: *adire* — *йўқотилган*, *bâtonnier* — *адвокатлар коллегиясининг раиси*.

Юридик терминологияга жуда кўп соҳалардан терминлар кириб келган: *actualisation* (*иқтисодиёт*), *abattage* (*денгизчилик*), *contrepartie* (*молия*), *attachements* (*техника*), *accident*, *ambulant* (*тибб*), *accord* (*тилунослик*), *aliener* (*фалсафа*), *confiance* (*сиёсат*). Юридик терминологияда бундай турли маъноларни англатувчи семантик жиҳатдан кўпқиррали умумадабий сўзлар ва бошқа соҳаларга тегишли бўлган терминларнинг мавжудлиги, ҳуқуқнинг ҳаётимиздаги турли жабҳалар билан чамбарчас боғлиқлигини тақозо этади.

¹ Суперанская А. В. и др. Общая терминология. Вопросы теории/А. В. Суперанская, Н. В. Подольская, Н. В. Васильева. М.: Наука, 1989. -20 с.

II БОБ. ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИНИНГ ЛИСОНИЙ-УСЛУБИЙ ДАЛИЛЛАР АСОСИДАГИ ТАҲЛИЛИ

Таржима назариясини том маънодаги тилшунослик муаммоси таркибига киритиш жоизлиги тадқиқотнинг коммуникатив нуқтаи назардан олиб борилишини тақозо этади. Коммуникатив муносабат тиллараро мулоқот жараёнида иштирок этадиган барча омилларни ҳисобга олади. У таржима қилинаётган матн таркибида мужассамлашган маълумотлардан ташқари яна ахборот берувчининг матн ташқарисида акс этган мулоқот мақсадини ҳамда таржимоннинг баён этилган фикрни тўғри қабул қилиш учун зарурий маълумот, билим ва малакага эга бўлиши ҳам назарда тутадиги, мазкур омиллар таржима тилида тенг қийматли коммуникатив таъсирчанлик яратиш имкониятини беради. Таржима жараёнига бундай муносабат таржима назариясини лингвистик тадқиқотнинг алоҳида мустақил соҳаси сифатида ажратиш жоизлигини белгилайди. «Кенг тарқалган тиллараро коммуникация амалиёти, хусусан таржима фаолияти тилшунослик фанининг доимий кузатувида бўлиши лозим» деб ёзган эди Р. Якобсон.¹ Шундай қилиб, янги - таржиманинг тилшунослик фани таркибида тадқиқ қилиниши лозимлиги ҳақидаги нуқтаи назар вужудга келдики, таржима амалиётини тадқиқ қилиш шу йўл билан олиб борилгандагина тилшуносликнинг айна тармоғи кўпроқ тараққий этади, такомиллашади.

Лингвистик таржима назариясининг вазифаси таржима жараёни тизими таркибини аниқлаш ва шу асосда таржима амалиёти учун зарур бўлган умумий қонуниятларни муайян қилишдан иборатдир. «Лингвистик таржима назарияси бир тил матнининг иккинчи тил матнига айланиши қонуниятларини муайян қилади, ўрганади ва моделлаштиради»². Ўзгача қилиб айтганда, тадқиқотчи таҳлил пайтида нутқий жараённинг бирламчи тилда ташкил этилишини ва таржима тилида унга коммуникатив жиҳатдан

¹ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари: Дарслик.Т.:Фан.2005 – Б.49

² Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. М., ИМО. 1980. - С. 3

тенг қийматли нутқий жараённинг яратилишини кузатиб боради. Бирламчи ва таржимон томонидан яратилган матнларнинг коммуникатив мувофиқлигигина асл нусхада акс этган ахборотнинг адекват қайта яратилганлигидан далолат беради.

Лингвистик таржима назариясининг афзаллиги шундан иборатки, у, таржима амалиётининг ижодий хусусиятини эътироф этгани ва унинг бой тажрибасига таянгани ҳолда, лисоний-услубий далиллар асосида асар матнининг қиёсланаётган тиллардаги нутқий тузилишини онгли равишда илмий таҳлил этади ва шу асосда муайян танланган таржимавий вариантнинг айтилиш ҳолати учун маъбул ёғуд номаъбулликни ҳолисона исбот қилади. Бундай тадқиқот ўз олдига қиёсланаётган тиллар таркибидаги алоҳида унсурларнинг бир-бирларига мос келиш ёки келмаслик ҳолатларини муайян қилиш асосида, умумий таржима назарияси учун зарурий қонуниятларни ишлаб чиқиш вазифасини қўядики, бу ҳол пировардида «таржимавий мувофиқликнинг яхлит тизимини»¹ вужудга келтиради.

Икки тил воситаларини нутқий даражада қиёслаш таржима назарияси ва амалиёти учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мазкур жараён икки тил нутқий ифодалари орасидаги муносабатни белгилаш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам таржима нутқий мулоқотнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай пайтда шуни назарда тутмоқ керакки, таржимавий қиёс тилларнинг бошқа хил қиёсий тадқиқотларидан бир мунча фарқ қилади. Жумладан, у тилларнинг оддий структуравий қиёсидан, яъни соф лингвистик қиёсий тадқиқотдан шу хусусияти билан фарқ қиладики, таржимавий қиёсда тиллар тизимлари унсурларининг моддий жиҳатдан ўзаро мос келиш-келмасликлари эътиборга олинмайди, балки қиёсланаётган тиллар воситаларининг бадиий-тасвирий, вазифавий-услубий ва прагматик жиҳатлардан ўзаро мос келиши ёки тафовут қилиши асос қилиб олинади.

¹ Комиссаров В.Н. Специфика переводческих исследований. Тетради переводчика. Вып.5. М., ИМО. 1968. - С.7

2.1. Юридик терминлар таржимасида эквивалентлик

Тиллараро мулоқотнинг алоҳида тури бўлмиш таржима турли тиллар матнларининг мазмунан тенг қийматлилигини тақозо этади. Аслият ва таржима матнлари мазмунининг ўзаро мос келиши зарурлиги эквивалентликни таржиманинг асосий шарти сифатида тан олишни талаб қилади. Бунда «эквивалентлик» тушунчаси «тўғри», «яхши», «сифатли», «бежирим» таржимани англатади. Аммо эквивалентлик, анашу маънода яна ишлатиладиган «адекватлик», «тўлақонлилик» тушунчалари ҳар доим ҳам амалий нуқтаи назардан ўзини оқлайвермайди. Алоҳида сўз ёки ибора таржимасига нисбатан мумкин бўлган эквивалентлик шундай майда унсурлардан ташкил топган матн таржимаси мисолида ўзини оқлаши қийин. Зеро, матндан ажратиб олинган муайян лисоний унсурнинг яхши ёки ёмон талқин этилгани бутун бошли матн ҳақида тугал фикр баён қилиш имкониятини бермайди.

В.Н. Комиссаров ўзининг “Лисоний таржима”¹ номли китобида таржиманинг асосий шарти бўлмиш эквивалентлик ва унинг даражалари ҳақида қимматли фикрлар баён этган. Қ. Мусаев ҳам ўзининг “Таржима назариясининг асослари”² китобини айнан таржимадаги эквивалентлик масаласига бағишлаган. Таржима тиллараро мулоқотнинг алоҳида тури сифатида асосий эътиборни икки тил тизимининг семантик жиҳатига қаратишни тақозо этадиган ижодий жараёндир. Чунки ахборотнинг тўлақонлилиги асосини турли тиллар матнларининг семантик уйғунлиги ташкил этади. Лисоний таржиманинг муҳим вазифаларидан бири “таржимавий эквивалентлик” тушунчасини муайян қилишдан иборатдир.

Семантик таржима муаммолари тилнинг мазмуний жиҳатини ўрганиш билан боғлиқ лисоний муаммоларининг бир бўлагидан иборат бўлиб, уларнинг ҳал этилиши кўп ҳолларда семантиканинг умумлисоний

¹ Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. М.: Международные отношения. 1980

² Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари: Дарслик.Т.:Фан.2005

жиҳатларини ўрганишга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам “эквивалентлик” тушунчаси лисоний таржиманинг марказий тушунчаларидан бири ҳисобланади.

Аслият ва таржиманинг мазмунан тўла-тўқис мос келиши биринчи даражали зарурат эканлиги туфайли кўпчилик тадқиқотчилар эквивалентликни таржиманинг асосий белгиси ва шарти деб ҳисоблайдилар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, эквивалентлик таржимага берилган “бир тилдаги матнни ўзга тилда шу даражадаги матн билан алмаштириш” каби таърифга мос келади. Масалан:

Article 22

Toute personne, en tant que membre de la société, a droit à la sécurité sociale; elle est fondée à obtenir la satisfaction des droits économiques, sociaux et culturels indispensables à sa dignité et au libre développement de sa personnalité, grâce à l'effort national et à la coopération internationale, compte tenu de l'organisation et des ressources de chaque pays.

22-модда

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр-қимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли.

Бу модданинг асл матни ва расмий таржима матни орасида бир қарашда лексик вазн сақланган ва маъно ҳам тўлиқ очиб берилган деб туюлиши мумкин. Лекин француз тилидаги модда матнида биринчи гап асосий ғояни акс эттирган ва модданинг қолган қисми унинг моҳиятларини очиб берган ҳолос. Яъни модданинг биринчи қисмидан бутун моддада нима ҳақида гап кетишини тушуниб олиш осон. Таржиманинг ўзбек тилидаги эквиваленти бундан ҳоли бўлиб, бутун модда битта ғоя ва унинг моҳиятини акс эттирган. Шунга қарамай, таржимада маъно жиҳатидан эквивалентлик сақланиб қолинган. Ушбу ҳолда “эквивалентлик” тушунчаси таржиманинг

сифатлилик, юқори баҳога лойиқлик хусусиятини англатади. Демак, эквивалент таржимани “адекват, тўлақонли” деб аташ ҳам мумкин экан.

Шундай қилиб, эквивалент таржима аслият мазмунини ўзга тилда вазифавий-услубий жиҳатдан тўла-тўқис талқин этишдан иборат жараёндир. Бунинг маъноси шуки, тил белгилари йиғиндисидан иборат матн мазмуни таржимада вазифавий қайта яратилади.

Article 10

Toute personne a droit, en pleine égalité, à ce que sa cause soit entendue équitablement et publiquement par un tribunal indépendant et impartial, qui décidera, soit de ses droits et obligations, soit du bien-fondé de toute accusation en matière pénale dirigée contre elle.

10-модда

Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

Таржиманинг икки тури мавжуд: бадий таржима ва касб ҳунарга оид техник – специфик терминларга бой таржима. Таржиманинг иккинчи турига юридик терминларнинг таржимаси ҳам киради. Юридик таржимада асосан қонунчиликка оид матнлар учрайди, шунинг учун махсус юридик маълумотга эга бўлмаган таржимонга у матнларни тўғри эквивалентини танлаб таржима қилиш бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг учинчи моддасининг расмий таржимасига аҳамият қаратсак:

Article 3

Tout individu a droit à la vie, à la liberté et à la sûreté de sa personne.

3-модда

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

Бу модданинг таржимасини таҳлил қилишни бошлаганда, авваламбор

грамматик жиҳатдан номувофиқлиги яққол кўзга ташланади. Француз тилидаги матнда битта “avoir” феъли қўлланган, ўзбек тилидаги эквивалент таржимасида учта турли феълни кўриб турибмиз, яъни “яшамок, эркин бўлмоқ ва эга бўлмоқ”. Лексик жиҳатдан “sûreté de sa personne” сўз бирикмасининг таржимасига аҳамият қаратсак, юқорида келтирилган фактга далил топган бўламиз. Расмий таржимада уни “шахсий дахлсизлик ҳуқуқи” деб таржима қилинган. Бу сўз бирикмасининг таржимасини топиш учун авваламбор икки тилли таржима луғатига мурожат этдик, у ерда “sûreté” сўзининг “ҳавфсизлик” деб таржимаси берилган. Бундан келиб чиққан ҳолда (Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий ҳавфсизликка эгадир). Деб таржима қилиш ҳам нотўғри эмас. Лекин айнан шу контекстга мос келадиган эквивалент таржима эмас, зеро бу моддада ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги эркинлиги ҳақида гап юритилган. Махсус юридик луғатга мурожат этсак, “sûreté personnelle, sûreté individuelle” – шахсий дахлсизлик деб берилган. Айнан шу таржима бизнинг контекстга тўлақонлик мос эканлиги аён бўлди.

Мисол тариқасида келтирилган

Юридик терминларининг таржимасида айнан эквивалент таржима катта роль ўйнайди, чунки таржиманинг бу турида матннинг грамматик ёки лексик вазнининг мутаносиблиги муҳим эмас, муҳими тушунча ва маънонинг мос келишидир. Таржимада тўлиқ эквивалентлик тушунчаси ҳам мавжуд, бу дегани, таржимон матнда маъно ва тушунчаларнинг буткул мос келишига эришган. Масалан:

Article 7

Tous sont égaux devant la loi et ont droit sans distinction à une égale protection de la loi. Tous ont droit à une protection égale contre toute discrimination qui violerait la présente Déclaration et contre toute provocation à une telle discrimination.

7-модда

Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид

бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 7- моддасининг расмий таржимасида француз тилидаги матн билан лексик вазни жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам бутунлай мутаносибликни кўриш мумкин.

Аммо юридик матнлар, эквивалентликнинг бу туридан кўп ҳолларда холи бўлади деб ўйлаймиз, чунки уларда маълум бир давлатнинг ҳуқуқий системаси ҳақида гап кетиши мумкин, ва у бошқа тилда ёхуд бошқа давлатда ўзгача талқин этилиши мумкин. Баъзиларида француз тилидаги юридик матнларни таржима қилиниётганда бирон бир тушунчани ўзбек тилидаги эквиваленти мавжуд эмаслиги юзага чиқади. Бундай терминологик бўшлиқнинг икки сабаби бўлиши мумкин:

а) луғатда француз тилидаги юридик терминнинг тушунтирилиши

берилмаган - тушунчавий бўшлиқ;

б) француз тилидаги тушунчанинг ўзбек тилидаги тушунчага мос келмаслиги – тушунчавий бўшлиқ. Бундай ҳолат юридик матннинг баъзи жабҳалари икки тилда ўзгача маънони акс эттирса юзага келади.

Шунинг учун таржимон юридик терминологиянинг таржима методлари ва имкониятлари билан жуда яхши таниш бўлиши шартдир. Бирон бир юридик ҳужжат, қонун ёки шартноманинг адекват таржимасига эришиш борасида таржимон чуқур терминологик ва юридик билимларга эга бўлиши зарурлигини ҳам унутиш керак эмас.

2.2 Француз тилидаги бир компонентли ва кўп компонентли терминларни ўзбек тилига таржима қилиш хусусиятлари

Биз юқорида термин ва терминология юзасидан фикр билдириб, бу тушунчаларга таъриф бериб ўтган эдик. Энди эса терминларни тузилиши жиҳатларига, ва уларнинг шу жиҳатлари нуқтаи назаридан таржимасининг хусусиятларига тўхталиб ўтсак. Одатда терминлар бир сўздан иборат (бир компонентли) ва бир неча сўзлардан иборат бўлади. Терминларнинг иккинчи

шаклини турли манбаларда турлича номланишининг гувоҳи бўлса бўлади, масалан: «составли терминлар», «кўп компонентли терминлар», «фразеологик терминлар», «сўз бирикмаси шаклидаги терминлар», «полилексем терминлар», «бирикма терминлар», «терминологик комплекслар».

“Сўз бирикмаси шаклидаги терминлар деганда икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг предлог орқали ёки тўғридан-тўғри семантик бутунлик ҳосил қилиб бирикиши тушунилади”¹. Илмий – техник терминологияда кўп компонентли терминлар сони кўп учрайди. Бирикма терминлар қуйидагича кўринишларга эга бўлиб келиши мумкин:

а) компонентлари туташув йўли орқали бирикиб бир маънони англатувчи бирикмалар. Масалан: *affaire comptant*;

б) компонентлари грамматик жиҳатдан предлог ёки махсус қўшимча орқали мослашиб бирикмалар: *cabinet de brevets d'invention, amende pécuniaire*.

Бирикма терминлар уч турга бўлинади:

1) Икки компоненти ҳам махсус лексик бирлик бўлиб, бирикмадан ташқари алоҳида мустақил қўлланиб, ўзининг том маъносини сақлай оладиган комплекслар.

“Биринчи турдаги бирикма терминларга хос хусусият бу уларнинг компонентларини ажратиб, улардан алоҳида мустақил термин сифатида қўлланиш мумкинлигидир.”²

2) иккинчи турдаги бирикмалар ўз навбатида учга бўлинади: а) компонентларнинг бири техник термин бўлса, бошқаси умумадабий сўз бўлади; б) бирламчи компоненти у ёки бу фан соҳасига мансуб махсус сифат бўлиб келади; в) иккиламчи компоненти бирламчи компонентга бирикканида, ўзининг асосий маъносини йўқотиб янги маънони англатади.

¹ Судовцев В.А. Научно – техническая информация и перевод. Пособие по английскому языку: Учебное пособие.- М.: Высш. шк., 1989. С. 62

² Пронина Р.Ф. Перевод английской научно-технической литературы.- М.: Высшая школа, 1986. С.10

3) компонентлари мустақил қўлланганда фақат умумадабий сўз сифатида келиб, бирикма ҳолидагина терминга айланади.

Бирикма терминларнинг компонентлари сони баъзида бешдан ҳам ортиб кетади, таржимаси эса бир сўз билан ҳам берилиши мумкин: *personne civilement responsable* – *жавобгар*. Француз тилидаги кўп компонентли юридик терминларга қуйидагича мисоллар келтириш мумкин:

- *source de danger accru, absence de la criminalité de l'acte, aide sociale obligatoire* - *уч компонентли бирикма терминлар*;
- *avoir un casier judiciaire vierge, demander un extrait du casier judiciaire, etablissement pénitentiaire de courte peine* - *тўрт компонентли бирикма терминлар*;
- *bulletin officiel des annonces civiles et commerciales, droit au congé pour validation des acquis de l'expérience, clause abusive dans un contrat de location de véhicule* - *беш компонентли бирикма терминлар*;
- *violation des règles du Code de la Route et de celles sur l'exploitation des moyens de transport, cession de fonds de commerce et cession de droit au bail, rupture conventionnelle et existence d'un différend au moment de sa signature* – *олти ва ундан ортиқ компонентли бирикма терминлар*.

Ишимизнинг юқоридаги қисмида юридик терминларининг эквивалент таржимаси ҳақида сўз юритган эдик. Мазкур қисмида эса бир компонентли ва кўп компонентли юридик терминларнинг таржимасининг хусусиятларини кўриб чиқишни лозим топдик. Табиийки, ҳар бир термин ягона таржима вариантга ёхуд эквивалентга эга бўлмайди. Эквивалент эса, бир сўз эмас балки сўз бирикмаси ҳам бўлиб келиши мумкин. Айниқса терминларни таржима қилишда бир сўз билан ифода этиш мумкин эмас бўлиб қолса, тушунчавий, тасвирий таржима қўллашга тўғри келиб қолади. Ана шундай ҳолларда таржимон узундан узоқ тушунтириш гапларидан қочиши, ва иложи бориचा матндаги фикрни лўнда қилиб таржима қилиши керак. Бундай таржималарда кўп компонентли терминлар юзага келади. Рецкер таржима бирликларининг ўзга тилда тўғридан тўғри таржимаси борлиги юзасидан

мушоҳада қилиб, икки тушунчани кашф этган бу : аналог ва эквивалент. Унинг таърифлашича эквивалент деб – таржима қилинаётган тилдаги сўзнинг таржима қилинадиган тилда маъно жиҳатидан тўлиқ мос келадиган таржима сўзига айтилади. Аналог эса – турли матнларда таржима сўз ролида кела оладиган бир неча лексик бирликлардан биридир. Бундан келиб чиқиб, Рецкер терминларни таржима қилишнинг уч асосий тури назариясини тақдим этган, булар: эквивалент ёрдамида таржима қилиш, аналог излаш ва тасвирлаб беришдир.

Рецкер таклиф этган терминларни таржима қилиш назарияси бир компонентли терминларга тўғри келади. Р.Ф. Пронина эса кўп компонентли терминларни таржима қилиш борасида қуйидагича амаллар кетма-кетлигини таклиф этган: “аввалига асосий компонент бўлмиш от сўз туркумига мансуб сўзни, сўнгра ўндан чапга қараб қолган компонентларни таржима қилиш керак”.¹

Масалан:

Affaire comptant

1. *Affaire* – от; *comptant* – сифат.
2. *Affaire* – иш; *comptant* – нақд (пул маъносида).
3. *Affaire* – асосий компоент; *comptant* – аниқлаб берувчи компонент.
4. Икки компонентли юридик термин. Терминнинг иккала компоненти ҳам умумодабий тилдаги сўз. Лекин биргаликда ягона маънога эга бўлиб бир терминни ҳосил қиляпти. Таржимаси – *нақд пул орқали амалга ошириладиган битм.*

Droit à réparation

1. *Droit* – от; *réparation* – от.
2. *Droit* – ҳуқуқ; *réparation* – зарарни қоплаш.
3. *Droit* – асосий компонент; *réparation* – аниқлаб берувчи компонент .
4. Икки компонентли предлог ёрдамида қўшилган юридик термин. Иккала компонент алоҳида мустақил юридик термин. Лекин *réparation* сўзи

¹ Пронина Р.Ф. Перевод английской научно-технической литературы. М.: Высшая школа. 1986– С.21

умумадабий тилдаги сўз сифатида – тузатиш, қайта таъмирлаш – маъносини англатади. Шунинг учун мазкур сўзни юридик термин нуқтаи назаридан таржима қилинмаса, яъни тўғри эквиваленти танланмаса маъно тубдан ўзгариб кетади. Таржимаси – *зарарни қоплаш ҳуқуқи*.

Démontrer l'identité groupale

1. *Démontrer* – феъл; *l'identité* – от; *groupale* – сифат.
2. *Démontrer* – исботламоқ; *l'identité* – мос келиши; *groupale* – гуруҳ бўлиб.
3. *L'identité*– бош компонент; *démontrer* ва *groupale* – иккинчи даражали, аниқлаб берувчи компонентлардир.
4. Уч компонентли юридик термин. Бош компонент мустақил юридик термин бўлиб келганида бошқа маънони англатиши мумкин. Лекин мазкур бирикма термини таркибида қуйидагича таржима қилинади – тааллуқли бўлмоқ. Термин таржимаси эса – *гуруҳнинг тааллуқли эканини аниқланиши*.

Avoir un casier judiciaire vierge

1. *Avoir* – феъл; *un casier*- от; *judiciaire* – сифат; *vierge* – сифат.
2. *Avoir* – эга бўлмоқ; *un casier*- картотека; *judiciaire* – судга оид; *vierge* – бокира.
3. *Un casier* – бош компонент, қолганлари иккиламчи аниқлаб берувчи компонентлар.
4. Тўрт компонентли бирикма термини. Бу юридик терминини фразеологик деб аташ ҳам мумкин. Бош компонентни француз тилидага юридик идораларда жуда кўп қўллашади, чунки ҳар бир жиноят ёки қилмиш учун картотека мавжуддир. Таржимаси – *аввалига судланмаган*

Кўп компонентли юридик терминларга хос хусусиятлардан бири шуки, улар ташкил топган лексик бирликларнинг кўп сони термин эмас, балки умумадабий сўзлардан иборат бўлиб, улар бирикиб кўп компонентли термин ҳосил қилганида асл маъносини тубдан ўзгартиришидир. Юқоридаги кўп

компонентли юридик терминларнинг таржимасини таҳлилидан кўриниб туришича, таржимада кўпинча тушунтиришлардан фойдаланилади ва айтиб бир сўзга эквивалент таржима жуда кам учрайди.

2.3 Юридик терминлар таржимасида “таржимоннинг сохта дўстлари” муаммоси

Оғзаки ва ёзма таржимада энг анъанавий муаммолардан бири бу “таржимоннинг сохта дўстлари”дир. Уларни рус тилида “ложные друзья переводчика”, француз тилида эса “faux amis” ёки “faux frères” деб аташади. “Таржимоннинг сохта дўстлари” деб, таржима қилинаётган тилдаги бирон бир сўзнинг таржима қилинадиган тилдаги сўзга талаффузи жихатидан жуда ўхшаш, лекин маъно жихатидан умуман ўзгача бўлишига айтилади. Таржимон у сўзни кўриб ёки эшитиб, автоматик равишда она тилидаги сўзнинг маъноси билан таржима қилиб қўйиши мумкин. Масалан: француз тилидаги *insulte* сўзини ўзбек ёки рус тилидаги *инсульт* касаллигининг номи билан адаштириши мумкин. Аслида эса, унинг таржимаси – *ҳақорат*; ёки француз тилидаги *adresse* сўзини маълум контекстда бир қарашдан *адрес* деб тушуниш мумкин, лекин унинг таржима эквивалентидан бири – *эпчиллик*. “Таржимоннинг сохта дўстлари” тиллараро бехосдан юзага келмаган. Улар одатда бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар яъни “интернационал” сўзлар бўлиб, йиллар давомида маъносини ўзгартиришининг махсулидир. Баъзиларида улар жуда қизиқарли ҳолларнинг юзага келишига сабабчи бўлади. Масалан инглиз тилидаги *mist* (туман) сўзининг немис тилидаги *mist* (гўнг) сўзи билан бир хиллиги Германияда “*Mist Stick*” деб номланган дезодорантнинг сотувининг юришмаганига сабаб бўлган.

Тилда “faux amis” термини биринчи бора Koessler ва Derocquigny томонидан қўлланилган¹. Замонавий олимлардан Белгиялик Марк Ван Компеноут француз тилидаги “таржимоннинг сохта дўстлари”ни мукамал ўрганиб чиққан. Унинг фикрича “таржимоннинг сохта дўстлари” нафақат

¹ Marc Van Campenhoudt, Mille faux amis en langue française. www.termisti.refer.org

тиллараро, балки бир тилнинг ўзида ҳам мавжуд бўлар экан. Бунга у омография, омофония, парасинонимия ва паронимияни санаб ўтган. Таржимада омоним сўзларнинг таржимонни адаштириши ҳолатини фақатгина оммабоп лексикада эмас, балки терминларга оидлигини ишимизнинг шу бобини иккинчи қисмида кўриб чиққан эдик. Яъни бир сўзнинг ўзи омоним сифатида, умумидабий сўз ва термин бўлиб, икки соҳада турлича маъноларга эга бўлади.

“Таржимоннинг сохта дўстлари” таржимада шунчалик муҳим аҳамият касб этар экан, биз ҳам бу феноменни ўзимизнинг тадқиқотимизга тегишли жабҳаларини ўрганиб чиқдик. Масалан француз тилидаги *appellation* сўзи – *ном*, *номланиш* деб таржима қилинади, лекин у бир қарашдан *апелляция* юридик терминига жуда ўхшаб кетади. Шундай экан, биз ишимизда юридик термин сифатида қўлланиладиган “таржимоннинг сохта дўстлари”ни санаб ўтишга қарор қилдик. Бунда О.В. Сучкова ва А.Г. Белыхларнинг “французско русский словарь юридических терминов” луғатидан фойдаландик.

Француз тилидаги юридик термин	Нотўғри таржимаси	Асл таржимаси
Instruction	инструкция (қўлланма)	тергов
Affiche	афиша	бошқарма томонидан эълон
Agent administratif	администрация агенти	бошқарма ходими
Cabinet d'avocat	адвокат кабинети (хонаси)	адвокат бюроси
Communication	коммуникация (алоқа)	хабарнома
Président	президент	раислик қилаётган
Titre	Титр(ёзув)	ҳужжат
Accord	аккорд (турли баландликдаги бир	битим, шартнома

	неча товушнинг ҳамоҳанг бирлиги)	
Service d'expertise	экспертиза сервис (хизмати)	экспертлик ташкилоти
Citation	цитата	суд ижрочиси томонидан гувоҳнинг чақирилиши
Minute	минут (дақиқа)	ҳуқуқий актнинг архивда сақланадиган асл нусхаси
Central	центральный (марказий)	қамокхона (узоқ муддатга қамалганлар учун)

Айтиб ўтиш жоизки, юқоридаги лексик бирликлар фақат юридик термин сифатида таҳлил қилинган. Уларни умумадабий сўз сифатида қабул қилинганда “таржимоннинг сохта дўстлари” бўлиб келмаслик ҳоллари ҳам учрайди.

ХУЛОСА

Таржима масаласига тилшунос олимларини аҳамиятининг ошиши таржима соҳасида сифатнинг яхшиланишига катта туртки бўлди. Сўнги йилларда бадий таржима билан бир қаторда сифатли илмий-техник, ижтимоий-сиёсий, молиявий ва юридик матнларнинг таржимасига талаб ошган. Бадий таржимада таржимон асарнинг бадий-эстетик афзалликларини ва муаллифнинг шахсий услубини акс эттириш каби муаммоларга юзлашса, информатив (техник) таржимада таржимонга биринчи ўринда лисоний омиллар энг катта тўсиқ бўлади. Бў тўсиқ асосан икки тилдаги тушунчаларнинг номутаносиблиги, уларнинг хизмат доираси ва дунёқараш жиҳатлари ўзгачалигидан ташкил топган. Айниқса бу тўсиқ терминлар ҳақида гап юритилганда жадаллашади.

Инсонлар орасидаги муносабатлар ривожланиши янгидан-янги тушунчаларни юзага келтириб чиқаради. Шу билан бирга инсонларнинг ўзи ва дунёқараши ҳам ўзгаради. Шундай жараёнда, юридик терминларни таржима қилиш услубларини айна бир қоидаларини ўрнатиш қийин ёхуд мумкин эмас, чунки тил ҳам унинг системаси ҳам доимий ривожланиб туради. Юқорида келтирилган фактларга таянган ҳолда, биз тадқиқотимиз жараёнида юридик терминларнинг таржимаси хусусиятларини ўрганиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган эдик. Шу мақсадга эришиш жараёнида биз термин ва терминологияга, таржима ва таржимашуносликка боғлиқ асосий тамойилларни ўрганиб чиқдик. Ҳамда юридик терминларнинг ўзига хос жиҳатлари доирасида изланишлар олиб бордик.

Бизнинг француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминларнинг таржимаси хусусиятлари устида олиб борган кузатишларимиз қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Инсон ҳаёти ва уни қамраб олган замин доимий тараққий этиб бормоқда. Замонавий турмуш тарзини техник воситалар, гаджетлар¹ ва интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, атроф муҳит, илм-

¹ Gadget –инглизча сўз бўлиб, янги ихтиро қилинган маиший техник восита

фан ва касб-ҳунарга оид терминлар ҳам янгилашиб бормоқда. Вақтга ҳамоҳанг бўлиш – давримиз талабидир. Бу талабга жавоб бериш учун янги кириб келган терминлар ва махсус лексикадан нафақат фан арбоблари ва мутаххасисилар балки ҳамма инсонлар хабардор бўлишлари шарт.

2. Ҳаётимизнинг ажралмас дебочаси деб ҳисобланган ҳуқуқни тушуниш, уни тўғри талқин этиб билиш борасида юридик терминларни вазифаси беқиёс. Уларни тўғри таржима қила олиш эса таржимашуносликдаги долзарб масалалардан биридир.
3. Таржиманинг аслиятга шаклан ва мазмунан монанд тарзда яратилишининг бирдан-бир шарти таржимоннинг ўз тилида аслиймонанд лисоний воситалар танлаб истеъфода этишдадир. Бу маъсулият унинг зиммасига аввало аслият маъно ва вазифасини бекамикўст идрок этиш, сўнгра хотирасида шаклланган фикрни ўз тили маданияти ва меъёри асосида тўла-тўқис ифода этиш вазифасини юклайди.
4. Терминлар умумадабий тилдаги сўзлардан фарқ қилувчи махсус лексик қатламдир. Бундай фарқлар тилнинг семантик, функционал ва бошқа сатҳларида намоён бўлади. Сўз тушунчаси термин тушунчасига кўра кенгроқ бўлиб, айтиш мумкинки, ҳар қандай термин сўздир, аммо ҳар қандай сўз термин бўла олмайди.
5. Юридик терминологиянинг бошқа соҳалар терминологиясидан фарқи шундаки, «бу терминология жамиятнинг барча соҳаларида кенг тарқалган бўлади». Зеро, ҳуқуқ билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлмаган соҳанинг ўзи мавжуд эмас.
6. Аслият ва таржиманинг мазмунан тўла-тўқис мос келиши биринчи даражали зарурат эканлиги туфайли кўпчилик тадқиқотчилар эквивалентликни таржиманинг асосий белгиси ва шарти деб ҳисоблайдилар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, эквивалентлик таржимага берилган “бир тилдаги матнни ўзга тилда шу даражадаги

матн билан алмаштириш” каби таърифга мос келади.

7. Юридик таржимада асосан қонунчиликка оид матнлар учрайди, шунинг учун махсус юридик маълумотга эга бўлмаган таржимонга у матнларни тўғри эквивалентини танлаб таржима қилиш бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.
8. Одатда терминлар бир сўздан иборат (бир компонентли) ва бир неча сўзлардан иборат бўлади. Бирикма терминлар масаласи доимо терминологиянинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Бунинг сабаби илмий ва техникавий терминологияда бирикма терминлар сонининг бошқа турдаги терминлардан анча кўп эканидир.
9. Француз тили юридик терминологиясида ҳам бирикма терминлар салмоқли ўринни эгаллайди. Ж. Корнյонинг «Юридик терминлар» луғатидаги терминларнинг 3775 таси бир сўздан, 5525 таси эса бирикма терминлардан иборат.
10. “Таржимоннинг сохта дўстлари” деб, таржима қилинаётган тилдаги бирон бир сўзнинг таржима қилинадиган тилдаги сўзга талаффузи жиҳатидан жуда ўхшаш, лекин маъно жиҳатидан умуман ўзгача бўлишига айтилади. Таржимон у сўзни кўриб ёки эшитиб, автоматик равишда она тилидаги сўзнинг маъноси билан таржима қилиб қўйиши мумкин.

Демак, юридик терминларни таржима қилишда таржимон уларнинг хусусиятларини ва баъзи нозик жиҳатларини ҳисобга олмай “тўлақонли, тўғри” таржимага эриша олмас экан. Бундан ташқари таржимон юриспруденциядан баъзи маълумотларга эга бўлиши ҳам керак экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳадова М. Терминми, атамми, истилоҳ? // Филология масалалари. Тошкент, 2007. -№ 4.
2. Бархударов Л. С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). М., "Международ. отношения", 1975.
3. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. – М., 1979.
4. Виноградов В.В. Русский язык. 2- е изд. – М.: ВШ., 1972.
5. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии//История отечественного терминоведения. -М.: Московский лицей, 1994.
6. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977.
7. Комарова З.И. О сущности термина // Термин и слово. Межвузовский сборник. – Горький, 1979.
8. Комиссаров В. Н. Лингвистика перевода. М.: ИМО.1980.
9. Комиссаров В.Н. Специфика переводческих исследований. Тетради переводчика. Вып.5. М., ИМО. 1968.
- 10.Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминология. М., 1961.
- 11.Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари: Дарслик.Т.:Фан. 2005.
- 12.Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий типологик тадқиқи. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Т.: 2009.
- 13.Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. Тошкент, 1960.
- 14.Пронина Р.Ф. Перевод английской научно-технической литературы. М.: Высшая школа. 1986.
- 15.Ражабов А.Н. Вопросы узбекской лингвистической терминологии в сопоставлении с русской: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Т.1993.
- 16.Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. В сб: «Вопросы терминологии». М.1961.

17. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
18. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. Хаютин А.Д. Термин, терминология, и номенклатура. Самарканд. 1971.
19. Судовцев В.А. Научно – техническая информация и перевод. Пособие по английскому языку: Учебное пособие.- М.: Высш. шк., 1989.
20. Суперанская А.В. Общая терминология: Вопросы теории. – М.: Наука, 1989.
21. Циткина Ф.А. Терминология и перевод: К основам сопоставительного терминоведения. – Львов, 1988.
22. Язык закона. – М.: Юридическая литература, 1990.
23. Déclaration universelle des droits de l’homme. Adpf publications, 1998.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ЛУҒАТЛАР:

24. Ақобиров С.Ф., Мағруфов З.М., Маматов Н.М. ва б. Русско-узбекский словарь. т. 1. – Ташкент, 1983.
25. Ақобиров С.Ф., Мағруфов З.М., Маматов Н.М. ва б. Русско-узбекский словарь. т. 2. – Ташкент, 1984.
26. Гак В.Г. Новый французско-русский словарь. – М.: Русский язык, 2002
27. Мачковский Г.И. Французско-русский юридический словарь. 35 тыс. статей. «РУССО», 2004.
28. Розенталь Д.Э. и Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М., “Просвещение”, 1976
29. Сучкова О.В. Белых А.Г. французско-русский словарь юридических терминов. Волгоград, 2000.
30. Cornu G. Vocabulaire juridique. – Paris, 2002.
31. Le petit Larousse illustré. – Paris: Larousse, 2005.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР:

32. www.termisti.refer.org (Marc Van Campenhoudt. Mille faux amis en langue française.)

33. belpaese2000.narod.ru (Комиссаров В.Н. Эквивалентность перевода при передаче семантики языковых единиц)
34. www.google.fr (қидирув сайти)
35. www.jus.uz (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси)